

## ТАЪЗИЯ



14:32 / 25.08.2022 1547

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча даҳасидаги «Шайх Зайниддин» жомеъ масжидида узоқ йиллар имом-хатиб сифатида динимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган устоз Одилхон қорининг падари бузрукворлари Юнусхон ҳожи отанинг вафотлари муносабати билан марҳумнинг фарзандларига ва барча қариндошларига чуқур таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг тортган дардларини барча саҳву хатоларига каффорат қилиб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин, солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ қилиб, садақаи жория ўлароқ қабул айласин, ажру мукофотларини кўпайтириб берсин, тавбаларини мақбул, гуноҳларини мағфур айласин.

Мусибатзада хонадон аҳлиға, марҳумнинг барча яқинларига, жумладан, Одилхон қори домлага Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, бу мусибатға қилган сабрлари ҳамда марҳумнинг узоқ давом этган дардларига шифо истаб қилган фидокорликлари, жонкуярликлари учун улкан ажру савоблар тилаймиз.

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти

Islom.uz портали жамоаси

